

АЛЛИТЕРАЦИЯ ВА УНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шофқоров Абдишукур Мусаевич

Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

Аннотация. Мақолада фонетик такрорлар, уларнинг Миртемир шеъриятида қўлланиши ва ўзига хос услубий вазифа бажариши ёритилган. Бунда аллитерация такрорининг семантик-стилистик хусусиятлари ифодаланган.

Калим сўзлар: такрор, фонетик такрор, аллитерация, ассонанс, геминация, услубий вазифа.

ALLITERATION AND ITS STYLISTIC CHARACTERISTICS

Shofkarov Abdishukur Musaevich

Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

Abstract: The article contains phonetic repetitions, their application in Mirtemir's poetry and a specific stylistic. The semantic-stylistic features of repetition of alliterations are represented.

Keywords: repetition, phonetic repetition, alliteration, assonance, gemination, stylistic task.

Тил ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида доимо қисқалик ва осонликка интилади. Инсон учун қандай талаффуз қилиш тўғрилигидан кўра, кўпроқ қандай талаффуз қилиш қулай ва осонлиги муҳимроқ. Тилдаги фонетик такрорлар эса ўша осонликни ва равонликни таъминлайди. Бу осонликка эришиш зўрма-зўракилик, сунъийлик ва нотабийликдан холи бўлиши керак эканлигини инсон доимо англаб туради. Демак, бу ҳолатга ихтиёрий равишда эмас, балки беихтиёрий равишда эришилади.

Биз ушбу мақолада Миртемир шеъриятида қўлланган аллитерациянинг услубий хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

“Ўринли товуш такрори ритмни безаб, эмоционал заряд (кувват)ни оширади, ифодалилиқни кучайтириб, шеърий нутқ маданиятини бир даражада юқори кўтаради, у бирон мазмунли мисрада келиб, уни ажратиб кўрсатиши ҳам лозим, аммо мазмунга нисбатан товуш такрорига зўр бериш мазмуннинг сезилмай қолишига олиб келиши ҳам мумкин” [6, 83].

Фонетик такрорлар нутқ товушларидан бирортасининг такрори ёки товушлар оҳангдошлиги асосида юзага келади. “Шеър китобхонда эстетик завқ уйғотиши учун у маъно таъсирчанлигига эга бўлиши, ижодкорнинг ички эмоциясини ифодалай олиши керак. Шеърнинг эмоционаллиги эса вазн, ритм, қофия, поэтик фигуралар, бадий санъатлар билан бирга поэтик фонетикага ҳам боғлиқ бўлади” [2, 114]. Шеърий асарлар ўзига хос оҳангга, жозибаторликка, экспрессив таъсир кучига эга бўлади.

Фонетик такрорлар халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам асосий тасвирий восита бўлиб хизмат қилган. Бунга сабаб фольклор асарининг, шунингдек, умумий шеърий нутқнинг, жумладан, мумтоз шеъриятнинг оғзаки айтиш, ижрога мўлжалланганлигидир. Мана шу хусусият поэтик фонетика бирликларининг юзага чиқишига асос бўлади. Бу ҳолат шеърий нутқда товушларнинг мазмун ва услуб талабига кўра хилма-хил шаклий, талаффуз ўзгаришига учрашида намоён бўлади. Бу ўзгариш шеърий нутқнинг таъсирчанлиги, жозибаси ва лозим бўлган оҳангини таъминлайди.

Бадий адабиётдаги ҳар қандай шаклий изланиш ва ўзига хосликлар, ҳатто у фонетик бирликлар даражасида бўлса-да, мазмунга бўйсундирилиши, бадий асарнинг мазмун-моҳияти ва нутқнинг ифодавийлигини оширишга хизмат қилиши керак. Шу маънода нутқ товушларининг бадий нутқда такрорланиши ҳам соф шаклий ҳодиса бўлиб, ўз ўрнида қўлланганда асарнинг бадий мукамаллигини оширади,

нутқнинг равонлиги учун хизмат қилади. Мана шундай такрорлар сирасига *аллитерация, ассонанс, геминация* каби услубий воситаларни киритишимиз мумкин. Бундай услубий воситаларнинг ҳар бирида нутқ товушларининг ўзига хос такрори кузатиладики, бу маълум бир услубий вазифа бажаради ва шеърининг бадииятини таъминлашга қаратилган бўлади.

“Аллитерация (лот. al – га, littera – ҳарф) – шеърда, жумлада, бандда ва қисман насрий асарларда ҳам бир хил ундош товушларнинг такрорланиши. Аллитерация фонетик-стилистик усул сифатида бадиий нутқнинг интонацион ифодавийлигини ва оҳангдорлигини кучайтиради” [2, 115].

Адабиётшунос У.Тўйчиев шеърда товушнинг такрор қўлланиши ҳақида фикр билдирар экан, шундай ёзади: “Товуш такрори поэзиянинг, хусусан болалар адабиёти ва кўшиқ текстларининг муҳим фазилатидир. У шеър мусиқийлигини кучайтиради, бироқ ритмни ҳосил этолмайди, аммо безайди. Агар ундош товушлар аллитерация приёмини юзага келтирса, унли товушлар ассонанс номли товуш такрорини ташкил қилади” [7, 205].

Миртемир шеърда аллитерация турли шаклда келиб, турлича услубий вазифа бажарган ва бадиийликни таъминлаган.

1. Шеърнинг бирор мисрасидаги сўзларда маълум бир товуш такрори юзага келади. Буни “Чоллар” шеърда шундай тасвирлайди:

Сокину савлатли, соябон сада,

Сира ёндошолмай гармсел зада;

Чоллар ўтирибди қуриб чордана,

Давраси арзийди десак шоҳона. (4, 2-жилд, 79).

2. Шеърнинг маълум бир бандида бирор товушнинг тўлиқ оҳангдошлиги кузатилади. Бунда Миртемир шеърда, асосан, *ж, с, ш, к, қ* товушлари такрор қўлланади. “Сени, болалигим”, “Боқиши”, “Салқин

сахар, дарё бўйи...”, “Кўл ёқалаб”, “Қалдирғоч”, “Чақмоқ”, “Кулгичи” шеърларида шундай такрорлар мавжуд:

Сулувлигинг сеҳрдан соз,

Сеҳрдан соз, сен сарвиноз,

Юз эсласам, барибир оз,

Меҳру вафо эсингдами? [4, 3-жилд, 205].

Халқ оҳангида ёзилган ушбу “Салқин сахар, дарё бўйи...” шеърида товушлар такрори оҳангдаги мусиқийликни, ифодавий соддаликни таъминлаган. Шоир маъшуканинг гўзал қиёфасини чизар экан, биргина байтнинг ўзида унинг сиймосини *сулув, сеҳр, соз, сарвиноз* каби сифатловчилар воситасида образли ифодалаган. Бу сўзлар кейинги байтдаги *меҳру вафо* сўзлари билан мантиқан боғланган. Банднинг барча мисраларида *с* ундоши ва унли товушлар оҳангдошлиги мавжуд.

3. Шеърда оҳангдош сўзлар ёнма-ён қўлланиши натижасида ҳам товуш такрорлари юзага келган. Бунда шоир *чарчоқ* ва *чанқоқ, сув* ва *сулув, чанқоқ* ва *чатноқ, қардошлик* ва *қондошлик* каби оҳангдош сўзлардан фойдаланган. Бу эса *тазмин-и муздаваж* санъатини ҳам юзага келтирган.

Бу санъатда икки ёки ундан ортиқ оҳангдош сўзлар ёнма-ён келтирилади. Натижада товушлар оҳангдошлиги юзага келиб, талаффуз, алоқадорлик кучайтирилади, мусиқий яқинлик ва бир текислик юзага келади.

Адибнинг “Шодиёна” шеърида оҳангдош сўзларнинг ёнма-ён қўлланиши натижасида юзага келган шундай такрорларни кузатишимиз мумкин:

Чарчоқ, чанқоқ, барибир,

Қувноқ кўкрак керасан,

Азмкорсан, шаштингдан

Адир қолмас, чўл қолмас. [4, 2-жилд, 178].

4. Шеърдаги маълум бир банд мисралари бир хил товуш билан бошланади.

Сокит, сўлим кеча... Мен соқчи эдим,

Соялардай йироқ қоровулхона.

Сокит, сўлим кеча, тўрт томоним жим...

Сақлар эдим элни мардона. [4, 1-жилд, 251].

“Вабо” шеъридан олинган ушбу бандда мисралар *с* товуши билан бошланиб, товушлар оҳангдошлигини юзага келтирган. Бу оҳангдошлик мисралар таркибидаги *с* товуши мавжуд сўзларнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал жойлашишида юз берган.

Зеро, “Вертикал аллитерация, асосан, шеърий матнга хос бўлиб, мисралар бошидаги сўзларда, яъни мисралараро, горизонтал аллитерация эса мисра ёки жумла ичида бўлиши мумкин”. [8, 30].

5. Шеърнинг маълум бир банд мисралари ёки бирор мисранинг сўзлари бир хил товуш билан тугайди. Бу баъзан мисра ичидаги оҳангдошлик билан уйғунлашиб кетади. Шоир “Элу юрт мактови” шеърида *м* товуши такрори билан боғлиқ қуйидаги содда, аммо таъсирчан мазмунли мисраларни яратган:

Саратоним, совурим, чиллам,

Боғу рогим, тутзорим, пиллам.

Кўргошиним, таги мўл тиллам,

Ипагимсан, қоракўлимсан. [4, 3-жилд, 16-17].

Шеърдаги такрор товушлар оҳангдошлиги шеърнинг умумий мазмунига мос ҳолда шаклланган. Шоир юртининг сифати ва хусусиятларига, бойлигига ўқувчининг диққатини тортиш, уларни санаб ўтиш ва урғу бериш мақсадида товуш такрорларига мурожаат қилган. Шеърда юртимиз бойликлари бирма-бир тилга олинган. Лирик қаҳрамон улар билан фахрланади. Бу фахрланиш ҳисси бандлардаги такрор бирликлар, жумладан, такрор товушлар воситасида образли, бадий

тасвирланган. Айниқса, юқорида келтирилган банддаги *м* товуши билан боғлиқ такрорлар шеърга ўзгача оҳанг инъом этган. Келтирилган бандлардаги *м* товуши такрори қуйидаги шаклда юзага келган:

Бандда 11 ўринда *м* товуши қўлланган бўлса-да, қандайдир зўрма-зўракилик ёки сохталик ва сийқаликни сезмаймиз. Шеърда юрт, мамлакат мадҳи ифодаланган. Инсоннинг борлиғи ҳам, бойлиги ҳам, бутун бору йўғи юрт, она-Ватан эканлиги поэтик тасвирларда ифодаланган. Бунда такрор товуш маънони кучайтириб, таъсирчанликни оширган.

Мисраларда такрорланган *м* товуши ўзи келган сўзлар охирини ёпган, фикрнинг қатъийлигини хулосалагандек туюлади. Бунинг устига *м* товушининг I шахс эгалик қўшимчаси таркибида мавжудлиги шоирнинг она юртга чинакам меҳрини, бу меҳрнинг қайта-қайта такрорланиши шоирнинг садоқати, иқрорини таъкидлашга хизмат қилган.

Миртемир ўз шеъриятида аллитерациядан унумли фойдаланиб, турли шаклларни юзага келтирган ва уларнинг ҳар бирига услубий вазифа юклай олган. Шоир шеърларида, асосан, *с, қ, м, ш, к, ч, ж, б, з, г* каби ундош товушлар такрор қўлланиб, ўзига хос услубий вазифа бажариб келган. Айниқса, *с* ва *қ* ундошлари такрорлари кўплаб учрайди. *С* товуши билан боғлиқ такрорларда *севги, сўлим, соч, сунбул, сокин, сабо, салқин, сен, силаган, сулув, саҳар* каби сўзлардан фойдаланган бўлса, *қ* товуши билан боғлиқ такрорларда, асосан, турли шакллардаги *от* ва *феъл* сўз туркумларидаги сўзларни қўллаган.

Умуман олганда, фонетик такрорлар бадиий асарнинг шаклий ўзига хослиги бўлиб, асарнинг бадииятини ошириш, айниқса, шеърини тилда мисраларнинг оҳангдошлигини таъминлаш, таъсирчанлик, соддалик ва равонликни оширишга хизмат қилади. Миртемир лирикасида фонетик-услубий усул сифатида фонетик такрорларнинг турли кўринишлари учрайди. Товушларнинг такрор қўлланиши талаффузда яқин ва уйғунликни юзага келтиради, бу эса тасвирланаётган нарса-ҳодисаларга

ўқувчининг диққатини жалб қилиб, мисраларнинг бадий-эстетик таъсир кучини оширган, маълум тушунчаларни таъкидлаб, ажратиб кўрсатишга хизмат қилган, фикрнинг мантикий ҳамда услубий юқини оширган, маълум бир сўз ёки товушга, улар ташувчи мазмунга урғу берилган, оҳангдошлик ва мусиқийликни таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Адабиётшунослик терминлари луғати / Тузувчилар: Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – Б. 300.
2. Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. – Т.: ТДПУ, 2001. – Б. 122.
3. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: Фан, 2007. – Б. 123.
4. Миртемир. Асарлар: 4 жилдли. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980–1983.
5. Неъматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1992. – Б. 136
6. Стеблева И.В. Происхождения и развитие тюркской аллитерационной системы в связи и историческим родством тюркских и монгольских языков // Советская тюркология. –М., 1971. – № 6. – С. 83-89.
7. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. –Т.: Фан, 1985.–Б. 376.
8. Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 48.